

**ЖАНУБИЙ ҲИСОР ТОҒ МИНТАҚАСИ АҲОЛИСИНИНГ
ГЕНЕАЛОГИК АНЪАНАЛАРИ ХУСУСИДА (САЙРОБ ҚИШЛОҒИ
МИСОЛИДА)**

Чоршанбиев Шаҳбоз Олимович

Термиз давлат университети

докторанти. Ўзбекистон.

E-mail: shahbozchorshanbiev3@gmail.com

***Аннотация.** Мақолада муаллиф тарихий-этнографик манбалар, этнографик материаллар асосида Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган Сайроб қишлоғи аҳолисининг генеалогик анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, этник ва ҳудудий ўзликлари масалаларини мавжуд илмий адабиётлар, тадқиқот натижалари ва муаллифнинг дала материаллари асосида таҳлил этган.*

***Калит сўзлар.** Сайроб, оила-қариндош гуруҳлари, локал-этнографик гуруҳ, оила-шажаралари, генеалогия, ўзликлар, касбий ўзлик, этник ўзлик, қишлоқ-мавзелари, Сайроблар, чигатой.*

Йирик чигатой қишлоқларидан яна бири – қадимий савдо йўли бўлган ҳозирги катта ўзбек транзит йўли ёқасида Шерободдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Сайроб қишлоғидадир. Сайроб қишлоғи ҳам 13 та қишлоқ-мавзелардан иборат эканлигини Н.А.Кисляков таъкидлаб ўтган.

Сайроб чигатойлари Б.Кармишевнинг маълумотлари бўйича эса қуйидаги тўрт қариндош гуруҳдан иборат: “келдик”, “мардони”, “арбоби” ва “етти уруғ”¹.

¹ Кармышева Б.Х. Некоторые данные к этногенезу населения южных и западных районов Узбекистана. // Краткие сообщения Института этнографии АН СССР. – Вып. 27. – 1957. – С. 19.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сақланиб қолган шажарага оид ривоятларни, тарихий манбаларни, фольклор материалларни, оғзаки тарихни ўрганиш маҳалла, авлод, уруғлар ҳақидаги тарихий хотирани тиклашда катта аҳамият касб этади. Масалан, шажара анъаналарида етти ота, етти пушт, етти авлод, яъни ўз аждодини билиш анъанаси ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Бундай анъана айниқса, тоғли минтақаларда яхши сақланиб қолганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Ўзининг қадимий чинори ва серсув булоғи билан кўпчиликка маълум бўлган Ўзбекистондаги Сайроб қишлоғи қадимий савдо йўли ёқасида жойлашган бўлиб, у ҳам ўз навбатида бир неча қишлоқ-мавзеларга бўлинишини кўрамиз. Тадқиқотчи Н.Кисляковни ҳисобича Илолиқ, Қапчиғай, Кабути, Чинор, Ганда, Пайкум, Кали-Қўрғон, Қизилжар, Қудуқ, Кали-Мушкул, Обгир, Минжоқ, Бодомчилик каби 13 мавзегга бўлинади².

Сайроб қишлоғининг Илолиқ, Кабути, Чинор, Пайкум, Кали-Қўрғон каби қишлоқ-мавзеларида “авлоди келдик” ва “авлоди мардони” каби кичик гуруҳларга бўлинувчи “нимдаҳа” уруғи, Қизилжар, Қудуқ, Кали-Мушкул, Обгир, Минжоқ, Бодомчилик каби қишлоқ-мавзеларида эса “авлоди эттурк” ва “авлоди арбоб” каби кичик гуруҳларга бўлинувчи “туркони” уруғи яшайди³.

Информаторлар Сайроб номини сайр-об яъни, қайнар булоқ, қайнаб чиқадиган серсув булоқ тарзида тожикча сўз билан изоҳлашади. Аммо бевосита жой номлари хусусида тадқиқотлар ўтказган. Т.Нафасовнинг

² Кисляков Н.А. Сайробские таджики. / СЭ. 1965.– №2.– С. 26.

³ Кисляков Н.А. Сайробские таджики. // СЭ. – 1965 – №2.– С. 26.

этнолингвистик таҳлилларига мурожаат қилсак, бу номнинг асли ўзаги туркий сўз бўлиб, Сайрам номи билан келиб чиқишига кўра бир сўз эканлигини таъкидлаб ўтади. Яъни, туркий тиллар ўтмишда дарё суви иккига бўлиниб кетиб, ўзани чуқурлашса, ўртасида баландроқ бўлиб қолган жой Сайрам деб эътироф этилади⁴. Информаторлар ҳам чинор булоқдан бир неча марта қадимийроқ ва булоқ нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган ва таъмирланиб бу жойда шундай ҳолатга келтирилган деган маълумотларни беради⁵. Ҳақиқатдан ҳам юқорида санаб ўтилган микротопонимларда туркий номларнинг қўлланилиши Н. Кисляковни туркларни сезиларли даражадаги таъсири Сайроб тожиклари ўртасида турк элементларининг пайдо бўлишига олиб келди⁶, деган фикри билан изоҳлаш мумкин.

Сайроб қишлоғи Ҳисор тоғ тизмасининг энг жанубий тармоғи – Бойсун тоғининг ҳамда Кўхитанг тоғ тизмасининг шимолий қисми - Сувсиз тоғининг шарқий этакларида жойлашган. Ҳозирги вақтда тўрт ярим мингга яқин аҳоли яшамоқда. Сайроб қишлоғидан шимоли-ғарбда жойлашган Узундарада академик.Э.Редвелазде 1991-йилда қазиларни бошлаган. Археолог К.Шейко 2014-йилда давом эттирган. Узундара милoddan аввалги III асрнинг бошларида Сўғд ва Бактрия чегарасида барпо этилган муҳофаа қалъаси бўлган. Қалъа деворларининг узунлиги 900 м, деворнинг эни 3.5 м бўлиб, тошдан лой билан барпо этилган. Қалъа деворларида тўғри бурчакли ёки квадрат шаклдаги ҳар хил ҳаждаги жами 10 та минора мавжуд. Уларнинг оралиғи 25 м.дан 170 м.гача масофада жойлашган. Қалъанинг кириш жойида

⁴ Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган? – Тошкент, 1989. – Б. 69.

⁵ Дала материаллари. Дарбанд қишлоғи. 2024.

⁶ Кисляков Н.А. Ўша асар. 26-бет.

11 та минора бўлиб, у жануби-шарқий томондан келадиган барча йўлакни кузатиш имконини беради. Сайробдаги минг йиллик чинорлар ҳам қадимда аҳоли яшаган манзил эканлигини исботидир.

Сайробда ўзига хос оқсоқоллик жамоавий бошқаруви – “сардор” катта арбоб 60-70 хўжаликни бошқарган. Иккинчиси каду арбоб 50-55 (оила) хўжаликни бошқарган. Қолган кичик қишлоқларда Авлоди Эт турк ва Авлоди Арбоб каби кичик гуруҳларга бўлинган туркони номли тожик гуруҳлари яшаган. Оқсоқол Бекенди Арбоб 40 (оила) хўжаликни бошқарган. Чоршанби Амин 60 (оила) хўжаликни бошқарган ва катта арбоб деб аталган.

Термиз шаҳридан Тошкентгача борадиган йўл “Катта ўзбек тракти” бўйида жойлашган Сайроб қишлоғидаги булоқ суви табиий минералларга бойлиги ва шифобахшлиги билан ажралиб туради. Аҳоли булоқ сувидан фойдаланиб деҳқончилик билан шуғулланади. Томорқа ерларида буғдой, арпа, маккажўхори, картошка, памидор, зиғир, кунжут каби сабзавотлар экади. Сайроб боғларида олманинг ўнлаб навлари, анор, беҳи, нок, гилос, бодом, олхўри, анжир, ўрик, хурмо, анор, тутнинг бир нечта навлари, турли хил узумлар, цитрус мевалари экилади. Қурилишбоп дарахтлар - теракнинг бир нечта навлари, тол дарахтлари. Аҳоли тоғ олди адирликларида лалми деҳқончилик билан шуғулланиб, нўхат, буғдой, арпа, озукбоп беда экишади.

Сайроб тоғларида шифобахш ўсимликлар, ёввойи дарахтлар, буталар жуда сероб. Буларга исирик, ровоч, сассик коврак (роба), аччиқ бодом, жийда туғдона, заранг, арча, ирғай, учқат, писта, бўйи модорон, чучук мяя, лола, наъматак, рўян, отқулоқ, ялпиз, зира, бодомча, шувок, анзур пиёз андиз, кийик ўт исмалок, банги девона, ит узум каби ўсимликлар кўп учрайди. Бу

доривор ўсимликларнинг бирининг илдизи, бирининг барги, бирининг гули, бирининг поясидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, шифобахш мумиё ҳам бор.

Сайробликлар чорвачилик билан ҳам шуғулланишади. Йирик шохли моллар, қўй, эчки, йилки, парранда кўплаб хонадонларда мавжуд. Кўпкарида иш берадиган эллик-олтмиш бош зотли отлар бўлган. Нафақат Ўзбекистонда балки, Туркменистон, Тожикистонда донғи кетган Танка, Чағир, Гаждум, Калта, Жийрон, Қашқа лақабли кўпкари отларини мисол келтириш мумкин.

Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра Сайробда ўтмишда работлар, карвон саройлар, масжидлар кўп бўлган. Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейин Сайроб қишлоғида иккита катта жомъе масжиди қурилди.

Сайробда халқ табиблиги ҳам ривожланган.